

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ АНВАР САБИРДЖАНОВИЧ

**ОПЕРАЦИОН ТРАВМАДАН БОЛА ОРГАНИЗМИ
АНЕСТЕЗИОЛОГИК ҲИМОЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of doctor of science (DSc)

Юсупов Анвар Сабирджанович

Операцион травмадан бола организми анестезиологик

химоясини оптималлаштириш 3

Юсупов Анвар Сабирджанович

Оптимизация анестезиологической защиты детского

организма от операционной травмы 27

Yusupov Anvar Sabirdjanovich

Optimisation of the anesthetic protection of the child's

body from the surgical injury..... 51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 55

**РЕСПУБЛИКА ШОШИЛИНЧ ТИББИЙ ЁРДАМ ИЛМИЙ МАРКАЗИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ЮСУПОВ АНВАР САБИРДЖАНОВИЧ

**ОПЕРАЦИОН ТРАВМАДАН БОЛА ОРГАНИЗМИ
АНЕСТЕЗИОЛОГИК ҲИМОЯСИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

14.00.37 – Анестезиология ва реаниматология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАН ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc /Tib453 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.emerg-centre.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Агзамходжаев Талат Саидалимович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Собиров Журабой Маърифбоевич
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Аваков Вячеслав Ервандович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ким Ен Дин
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

**Санкт-Петербург Давлат педиатрия тиббиёт
Университети (Россия Федерацияси)**

Диссертация ҳимояси Республика шошилич тиббий ёрдам илмий маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.63.01 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100115 Тошкент, Кичик халқа йўли кўчаси 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-46-00, e-mail: uzmedicine@mail.ru)

Диссертация билан Республика шошилич тиббий ёрдам илмий марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент ш., Кичик халқа йўли кўчаси, 2. Тел/факс: (+99878) 150-46-00; факс: (+99878) 150-46-05.

Диссертация автореферати 2022 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2022 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.М.Хаджибаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.Э. Анваров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанларида фалсафа доктори (PHD)

Б.К.Алтиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (докторлик диссертацияси (DSc) аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, «...дунёда ҳар йили миллионлаб турли ёшдаги беморлар диагностика жараёнлари ва жарроҳлик амалиётларида умумий анестезияни бошдан кечирадилар. Хирургик стационарлардаги беморларнинг 20-30% ида жарроҳлик аралашуви талаб қилувчи касалликлар аниқланади»¹. Анестезиологик ёрдамнинг сифати ҳақидаги замонавий қарашлар бевосита жарроҳлик амалиёти вақтида оғриқсизлантириш ва мониторингни амалга оширишдан анча йироқлашган. Педиатрия амалиётида анестезиологик қўлланмани таъминлашда индивидуал ёндошиш муаммоси долзарблигича қолмоқда. Операцион жароҳатдан ҳосил бўлган ва марказий асаб тизимининг супраспинал тузилмаларига етиб борадиган оғриқ импульслари операция қилинаётган беморларда ҳар қандай жарроҳлик аралашувида келиб чиқувчи эндокрин ва метаболик ўзгаришлар, симпатoadренал тизимнинг фаоллашуви, тизимли яллиғланиш, гемостаз бузилишининг асосий сабаби ҳисобланади. Бемор организмида содир бўлаётган ушбу ўзгаришлар «хирургик стресс-жавоб» нинг умумий тушунчасини бирлаштириб, унинг намоён бўлиши бир томондан жарроҳлик травматизми ва бошқа томондан периоперацион анестезиологик қўлланманинг адекватлиги билан изоҳланади. Шу сабабли операцион травмадан бола организми анестезиологик ҳимоясини оптималлаштириш замонавий анестезиологиянинг мураккаб ва долзарб муоммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда операцион травмадан бола организми анестезиологик ҳимоясини оптималлаштириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада гемодинамика, капнометрия, биспектрал таҳлил, кислород сатурациясининг тизимли мониторингини ўтказган ҳолда комбинирланган анестезиянинг турли вариантларида клиник–электроэнцефалографик хусусиятларини ўрганиш ҳамда болаларда комбинирланган анестезиянинг ўрганилаётган вариантлари самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш ва уларни болалар жарроҳлигида қўлланилиш ўрнини такомиллаштиришни амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда турли касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволаш, олдини олиш ва асоратларини камайтиришга қаратилган вазифалар юклатилган. Бу борада «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Шундан келиб чиққан ҳолда

¹ Soriano SG, Mc Mann ML. Pediatric neuroanesthesia //Cont Educ Anaesth. Crit Care Pain. 2010; 10:172-6.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

операцион травмадан бола организми анестезиологик химоясининг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика химоясини оптималлаштиришга қаратилган йўналишдаги илмий тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида» Фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³. Операцион травмадан бола организми анестезиологик химоясини оптималлаштиришга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Boston Children's Hospital of Harvard Medical School; University of Texas (АҚШ), National Surgical Research Collaborative (Буюк Британия); University S.Orsola-Malpighi Polyclinic; Istituto Giannina Gaslini West China Hospital of Sichuan University (Хитой); Karolinska University Hospital (Швеция); University of Ulsan College of Medicine (Жанубий Корея); University of Helsinki (Финландия); University of National Taiwan (Тайван); Division of Pediatric Surgery, Centre Hospitalier Universitaire Sainte-Justine (Канада); Склифосовский Н.В. номидаги тез тиббий ёрдам илмий-тадқиқот институти (Москва, Россия), Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон) олиб борилган.

Операцион травмадан бола организми анестезиологик химоясини оптималлаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи www.washington.edu, www.ku.edu, www.atlantaoralpathology.com, www.unisr.it, www.unipv.it, www.uksh.de, www.keio.ac.jp, www.ico.gencat.cat, www.uoa.gr, www.ufsc.br, www.yonsei.ac.kr, www.sydney.edu.au, www.jazanu.edu.sa, www.rims.edu.in, www.mioi.ru, www.cancercenter.uz, www.toshvilonko.uz сайтлар асосида ишлаб чиқилган.

асосида қатор натижалар олинган, жумладан: оғриқсизлантиришнинг етарлилиги даражаси, биринчи навбатда, марказий нерв системаси (МНС) сегментар тузилмалари, яъни, орқа мия шохлари нейронларининг ноцицептив стимуляцияси билан боғлиқ гиперактивлигини олдини олиш хусусияти билан аниқланиши керак, хусусан, (National Surgical Research Collaborative, Буюк Британия); анестезиологияда муайян ютуқларга қарамадан, педиатрик анестезиологияда ҳозирги кунга қадар периоперацион даврдаги жиддий асоратлар кузатилиш ҳолатининг юқори даражаси анестезиологларнинг махсус тайёргарлигини ва болаларда ўтказиладиган анестезия кўникмаларини такомиллаштиришни талаб этган (Department of Pediatric Surgery, Children's Hospital, Helsinki University, Финландия); замонавий усулда операциядан кейинги оғриқни даволаш учун операция турини, асосий ва ёндош патологиянинг тури ва оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда кўп босқичли ёндашувлар қўлланилган (Children's Hospital, Colorado, АҚШ; Hospital of Sichuan University, Хитой); операцион травмадан бола организми анестезиологик химоясини оптималлаштирилган (Тошкент педиатрия тиббиёт институти (Ўзбекистон)).

Дунёда операцион травмадан бола организми анестезиологик химоясини оптималлаштиришни таранглик эластиклик хусусиятлари орасидаги боғлиқликни илмий асослаш бўйича куйидаги устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда, жумладан, болаларда комбинирланган анестезиянинг ўрганилаётган вариантларида операциядан олдинги ва кейинги даврларида липидларнинг пероксидацияси ҳолатининг малондиалдегиди ва каталаза кўрсаткичларини асослаш; болаларда комбинирланган анестезиянинг ўрганилаётган вариантлари самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш ва уларни болалар жарроҳлигида қўлланилиш ўрнини баҳолаш тизимини такомиллаштириш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Катталарга нисбатан болаларда касалликнинг кўп қисмини анестезиологик химоя остида жарроҳлик йўли билан туғма ривожланиш аномалияларини бартараф этиш ташкил этади. Анестезия ва жарроҳлик пайтида бемор анестезиологик ва хирургик стресс таъсири остида бўлади, шунинг учун беморларда турли хил асоратлар ривожланиши мумкин (James D. O'Leary, 2019). Марказий асаб тизими ва эндокрин тизими, қон айланиш ва нафас олиш, жигар ва буйрақлар, иммунитет ва метаболизмнинг вазифалари ўзгаради. Стрессга қарши химоя бўлмаса, бу ўзгаришлар ҳаёт учун хавfli синдромларга айланади. Бундай ҳолатга бормаслиги учун анестезиолог рационал комплекс ёндашув билан муолажалар олиб бориши керак (Александрович Ю.С., 2013; Кара Дж. Митчелл, 2017; Alex E. Elobuetal., 2014). Операцион стрессни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш учун анестезиолог организмнинг функционал ҳолати ҳақида доимий маълумотга эга бўлиши керак. Натижада, жарроҳлик амалиёти билан боғлиқ операцион стресснинг кўп компонентли омиллари анестезиолог томонидан бартараф этилади (Лазарев В. В., 2016; Яворовский А. Г. ва бошқ., 2019; Lee A. Fleisher, 2019). Идеал анестетикнинг

йўқлиги (юқори терапевтик кенглик, наркотик уйқунинг тез бошланиши, наркоз чуқурлигини бошқариш, организмдан тез чиқарилиши, ножўя таъсирларнинг йўқлиги ва арзон нархи) анестезиологларни касалликнинг табиати ва организмнинг компенсатор имкониятларини ҳисобга олган ҳолда анестезиологик ҳимоя муаммосини ҳал қилиш учун энг рационал дори воситалар жамланмасини излашга сабабчи бўлади (Якимов Д. А., 2013). Анестезия усулини танлаш беморнинг организмига салбий таъсирини камайтиришнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Замонавий анестезиология фармакологик агрессияни минимумга туширишга, дори воситаларининг вақти, сонини камайтиришга интилади. Ҳар қандай анестетикнинг хавфсизлигини баҳолашнинг муҳим мезонларидан бири унинг юрак-қон томир тизимига таъсири ҳисобланади. У ёки бу дори препаратининг афзалликларини наркоз хавфсизлигининг объектив мезонларидан бири бўлиши мумкин бўлган гемодинамика параметрларининг ўзгариши билан баҳолаш мумкин. Вегетатив нерв системасининг (ВНС) дисфункцияси ёки мўтадиллаштирилмаган фармакологик таъсири гемодинамик ўзгаришлар ва постнаркоз асоратларнинг ривожланишига олиб келувчи хирургик жароҳатга жавобан адаптациянинг бузилишига таъсир этади (Полушин Ю.С., 2016; Scott, Michael T. et al., 2016). Анестезиология учун революцион давр ҳозирги кунда кенг тарқалган анестезиянинг кўп компонентли назариясини яратиш эди. Умумий анестезиянинг асосий компонентлари қуйидагилардир: онгни ўчириш, аналгезия, нейровегетатив ҳимоя, миорелаксация, қон айланиши ва метаболизмни бошқариш (Синбухова Е. В. ва бошқ., 2019; Netsanet Temesgen Ayenewetal., 2020). Болаларда анестезия билан боғлиқ ўлим частотаси жуда паст даражада қолса-да, ҳозирги кунга қадар интраоперацион даврда жиддий асоратлар ҳолати юқори даражада қолмоқда (Hansen T. G., 2017).

Мамлакатимизда турли касалликларнинг асоратлари натижасида юзага келадиган анестезиологик ва реанимацион ҳолатларни самарали даволаш тизими ташкиллаштириш, касалликнинг асоратларини олдини олиш ва натижада беморларни умр кўриш давомийлигини узайтириш борасида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилган (Агзамходжаев Т.С., 2018, Собиров Ж.М. ва бошқ., 2020 Акилов Ф.А., 2020) бироқ, операцион травмадан бола организми анестезиологик ҳимоясини оптималлаштирилмаган.

Муаллифлар анестезиологик ҳимоянинг юқори ўзгарувчанлигини қайд этдилар, шунинг учун улар анестезиологларнинг махсус тайёргарлигини ва болаларда анестезия кўникмаларини такомиллаштириш зарурлиги ҳақида фикрга келишди. Маҳаллий амалиёт шуни кўрсатадики, бу муаммо мамлакатимиз учун, айниқса, марказий вилоят шифохонаси даражасида жуда муҳимдир ва унинг ташкилий ечимини талаб қилади. Ҳозирги кунга қадар, операцион стрессда анестезиологик ҳимояни бола организмнинг асосий ҳаётий муҳим функцияларига таъсири етарли даражада ўрганилмаган. Шу сабабли дори препаратларининг жамланмасини тўғри танланган ҳолда анестезиянинг оптимал вариантларини излаш, анестезиологик қўлланманинг

бемор бола организмига ножўя таъсирини камайтириш ёки бутунлай олдини олиш энг долзарб деб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №0198000670 рақамли «Болаларда туғма нуқсонликларида анестезия ва реанимация» мавзусидаги грант лойиҳа доирасида бажарилган (2018-2022) йиллар.

Тадқиқотнинг мақсади: турли комбинацияли анестезия ўтказиш шароитида организмнинг асосий ҳаётий функцияларига таъсирини ҳисобга олган ҳолда операцион жароҳатдан болаларнинг анестезиологик ҳимоя натижаларини яхшилаш.

Тадқиқотнинг вазифалари:

гемодинамика, капнометрия, биспектрал таҳлил ва кислород сатурациясининг тизимли мониторингини ўтказган ҳолда комбинирланган анестезиянинг турли вариантларида клиник – электроэнцефалографик (ЭЭГ) хусусиятларини баҳолаш;

болаларда комбинирланган анестезиянинг турли хил вариантларида марказий гемодинамика ҳолатини баҳолаш;

болаларда жарроҳлик амалиёти вақтида комбинирланган анестезия турли хил вариантларининг вегетотонус ҳолатига таъсирини баҳолаш;

болаларда комбинирланган анестезиянинг турли хил вариантларида стресс гормони - кортизол фаоллигини ва қондаги глюкоза концентрациясининг ўзгаришини баҳолаш;

болаларда комбинирланган анестезиянинг ўрганилаётган вариантларида операциядан олдинги ва кейинги даврларида липид пероксидацияси (ЛПО) (малондиалдегиди (МДА) ва каталаза) кўрсаткичларини баҳолаш;

болаларда комбинирланган анестезиянинг ўрганилаётган вариантлари самарадорлигини қиёсий таҳлил қилиш ва уларни болалар жарроҳлигида қўлланилиш ўрнини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг шифохонасида 2008 йилдан 2018 йилгача ички аъзолар, оёқ-қўл, кўз касалликлари ва туғма нуқсонлари бўйича операция қилинган 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган 208 нафар болалар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида операцион травмадан бола организми анестезиологик ҳимоясини оптималлаштиришда веноз қон зардоби ва инструментал тадқиқотлар натижаларининг материаллари олинган.

Тадқиқот усуллари. Операцион травмадан бола организми анестезиологик ҳимоясини оптималлаштиришда клиник, функционал-инструментал, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

операцион жароҳатлардан ҳимоя қилиш, хавфсизлик ва уларнинг ҳар бирини дифференциал танлови самарадорлигини, анестезиологик қўлланма вариантларининг болалар учун ҳаётий муҳим тизимларига таъсирини баҳолашда комплекс ёндашуви тизими асосланган;

гемодинамик кўрсаткичлар, гормонал фон, вегетотонус ҳолати, МДА ва каталаза таркиби ўзгаришлари болаларда комбинирланган анестезиянинг турли хиллари қиёсий баҳоланган;

қорин бўшлиғининг юқори травматик операцияларида юрак-қон томир тизимининг меърий ишлаши учун оптимал шароит севофлуран ва эпидурал анестезия комбинацияси билан амалга оширилиши исботланган;

болаларда анестезиянинг турли хил вариантларида анестезиологик қўлланма хавфсизлигини оширувчи ишлаб чиқилган комбинирланган анестезия усуллари самарадорлиги исботланган;

болаларда умумий анестезиянинг таҳлил вариантларини танлашда дифференциал ёндашув мезонлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

марказий асаб тизими, марказий гемодинамика ва гомеостазнинг болаларда турли хил вариантдаги комбинирланган анестезия шароитида юзага келган функционал ўзгаришлари тақдим этилган;

болаларда оғриқсизлантиришнинг адекватлик даражасини баҳолашга имкон берувчи анестезиологик қўлланманинг турли хил вариантлари даврларининг клиник тавсифи берилган;

организмни анестезиологик ҳимоя қилиш имкониятлари болаларда жарроҳлик стрессдан оптималлаштирилган;

марказий асаб тизими, марказий гемодинамика, гомеостазнинг хусусиятларига ва уларнинг ҳар бирини танлашга дифференциал ёндашишга қараб, болаларда комбинирланган анестезиянинг турли хил вариантлари таклиф этилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, функционал-инструментал, биокимёвий ва статистик тадқиқот усулларида операцион травмадан бола организми анестезиологик ҳимоясини оптималлаштириш тартиби халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти: комбинирланган анестезиянинг турли хил вариантларида операцион жароҳатдан анестезиологик ҳимоя самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган натижалар олинган бўлиб, улар бола организмнинг асосий ҳаётий муҳим функцияларига таъсирини баҳолашни ҳисобга олган ҳолда, болалар анестезиологияси

соҳасида илмий тадқиқотларни такомиллаштиришга сезиларли ҳисса қўшганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: болаларда турли жаррохлик муолажаларида анестезиянинг оптимал вариантларини танланганлигидан далолат бериши, бемор организмига анестезиологик қўлланманинг ножўя таъсирини камайтириш, жаррохлик муолажаларида оғриқсизлантиришда дори воситаларининг тўғри комбинациясини қўллаш, кузатилиши мумкин бўлган асоратларнинг олдини олиш имконини берганлиги, самарали оғриқсизлантириш остида бажарилган жаррохлик муолажаси болаларда ногиронликни камайтиради ва ҳаёт сифатини оширишга ёрдам берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Операцион травмадан бола организми анестезиологик ҳимоясини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

болаларда абдоминал хирургия амалиётида анестезиологик ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий натижалар асосида «Болаларда абдоминал хирургия амалиётида анестезиологик ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 8н-р/160-сон маълумотномаси). Натижада абдоминал хирургия амалиётида болаларни анестезиологик ҳимоя қилиш самарадорлигини ошириш, операцион шикастни камайтириш орқали симптовагус мувозанат ва гемодинамик барқарорлик, болалар ўлими ва ногиронликнинг камайтириш билан биргаликда даволашнинг самарадорлигини ошириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

болаларда офталмологик операцияларда ингаляцион анестезиянинг натижалари асосида «Болаларда офталмологик операцияларда ингаляцион анестезия асосида оғриқсизлантириш самарадорлигини ошириш» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 8н-р/159-сон маълумотномаси). Натижада болаларда офталмологик операциялар учун тавсия этилган оптимал анестезия вариантлари самарали, хавфсиз, қулай ва иқтисодий жиҳатдан самарали натижасида беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган;

болаларда қорин бўшлиғи операцияларида комбинирланган мултимодал анестезиянинг таркибий қисми сифатида севоранни қўллаш усули натижасида «Болаларда қорин бўшлиғи операцияларида комбинирланган мултимодал анестезиянинг таркибий қисми сифатида севоранни қўллаш усули» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 18 июндаги 8н-р/161-сон маълумотномаси). Натижада болаларда қорин бўшлиғи операцияларида комбинирланган мултимодал анестезиянинг таркибий қисми сифатида севоранни қўллаш усули марказий асаб тизими фаолиятини, марказий гемодинамикани ва болаларда гомеостазни сақлаб қолиш учун жуда муҳим бўлган компенсатор симпатoadренал реакцияларни сақлаб қолиш имконини берган;

операцион травмадан бола организми анестезиологик химоясини оптималлаштириш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий марказининг Фарғона вилояти филиали, Фарғона вилояти кўп тармоқли тиббиёт маркази шифохонаси, Фарғона ва Навоий вилояти кўп тармоқли болалар маркази, Навоий вилоят офталмология шифохонаси, Сирдарё вилояти кўп тармоқли болалар маркази, Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Хоразм филиали клиник амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 24 июндаги 8н-д/78-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши туфайли жарроҳлик аралашувининг ҳажми ва шикастланиш даражаси, анестезия усули ва гиёҳванд моддаларни биргаликда ишлатиш, болаларни анестезиологик химоя қилиш самарадорлигини ошириш, беморларнинг умрини узайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 12 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 8 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 83 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 23 та мақола, жумладан, 16 таси республика ва 7 таси хорижий журналларда, шундан 3 таси Scopus базасида нашр этилган, 3 та услубий тавсияномалар ва 3 та ЭХМ дастури учун патент тасдиқланган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 202 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати келтирилади, мақсад ва вазифалар тақдим этилади, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, иш натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётини жорий этиш, ишнинг асосий натижаларини синовдан ўтказиш ва эълон қилиш намоёиш этилади.

Диссертациянинг «**Болалар организмнинг операцион жароҳатлардан анестезиологик химоя қилиш муаммолари ва ютуқларининг замонавий талқини**» деб номланган уч қисмдан иборат бўлиб, операцион стресснинг патофизиологиясини таҳлил қилиш, жарроҳлик амалиётида анестезиологик қўлланманинг замонавий усуллари ва жарроҳлик


ва анестезия вақтида ҳаётий муҳим вазифалар ҳолатини ёритишда хорижий ва маҳаллий манбалардан фойдаланилган.

Диссертациянинг **«Операцион травмадан бола организми анестезиологик ҳимоясини оптималлаштириш материал ва усуллари»** деб номланган иккинчи бобида белгиланган вазифалар, материалларни йиғиш усуллари, тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлаш билан боғлиқ бўлган тадқиқот объектлари ва материалларининг тавсифи берилган. Ушбу қисмлар қуйидагича ифодаланади: биринчи гуруҳдаги беморларда фентанил, севофлуран, пропофол ва кетаминнинг кичик дозалари асосида комбинирланган анестезия усули қўлланилди. Иккинчи гуруҳдаги беморларда нубаин ва пропофол асосида комбинирланган анестезия усули қўлланилди. Учинчи гуруҳдаги беморларда фентанил ва пропофол асосида анестезия усули қўлланилди. Тўртинчи гуруҳдаги беморларда севофлуран билан седатация қилинган эпидурал анестезия усули қўлланилди. Бешинчи гуруҳдаги беморларда фентанил ва натрий оксибутират асосида анестезия усули қўлланилди. Ушбу илмий ишда анестезиянинг турли босқичларида анестезия учун қўлланиладиган дориларнинг аниқ дозаси билан анестезия техникаси, текширув усуллари ҳақида маълумот берилган. Текширувлар ўтказилган гуруҳларда лаборатория ва функционал текширув усуллари билан барча маълумотлар статистик таҳлил қилинди. Олинган рақамли натижалар вариацион статистика усули билан қайта ишланди. Нисбий ва ўртача қийматлар, уларнинг хатолари, таққосланадиган гуруҳлар ўртасидаги талабларнинг ишончилиги коэффицентлари аниқланди.

Диссертациянинг **«Тизимли гемодинамика ва капнометрия кўрсаткичлари мониторинги билан биргаликда анестезиянинг турли хил вариантларининг клиник-электроэнцефалографик тавсифи»** деб номланган учинчи бобида тизимли гемодинамиканинг кўрсаткичлари: систолик артериал қон босими (САБ), диастолик артериал қон босими (ДАБ), ўртача артериал қон босими (ЎрАБ), кислород сатурацияси ва капнометриялар текширилди. Барча ўрганилаётган гуруҳларда бош мия биоэлектрик фаолиятининг ўзгариши хусусиятлари берилди. Электроэнцефалография (ЭЭГ) текширувини ўтказишда, тадқиқотлар бош миянинг барча қисмларида, амплитудаси 40 мВ гача урчуқсимон шаклдаги доминант альфа тўлқинлар ҳамда 20 мВ гача бўлган бета тўлқинлар қайд этилди. Тўлқинларнинг регионар фарқлари кузатилмади. Беморларнинг биринчи ва тўртинчи гуруҳларида бош миянинг биоэлектрик фаолиятининг тормозланиши қайд этилмади. Беморларнинг бошқа гуруҳларида гиперсинхронизацияланган бета ва алфа тўлқинлари аста-секин йўқолиши билан кечувчи ритмларнинг қайта тузилиши кузатилди. Шубҳасиз, қисқа ярим элиминация даврли замонавий анестетикларни қўллаш уйғониш вақтини қисқартиради, аммо бу афзаллик томони бўлиши аниқ эмас, чунки операциядан кейинги даврдан тезда уйғониш боланинг безовталиги билан кечади ва бу ҳолат миянинг биоэлектрик фаоллигини рағбатлантиришга олиб келади. Тадқиқот давомида ЭЭГда бета-тўлқинлар пайдо бўлиши билан тета-

диапазон сонининг пасайиши ва алфа-фаолликнинг ортиши қайд этилди. Чуқур уйқу ҳолатидан чиқиш жараёнида ЭЭГнинг физиологик ритмлари аста-секин тикланди.


Диссертациянинг «Болаларда умумий анестезиянинг турли хил вариантларида марказий гемодинамика ва вегетотонусни ўрганиш натижалари» деб номланган тўртинчи боби 2 қисмдан иборат. Биринчи қисмда Эхокардиография (ЭХОКГ) усулида марказий гемодинамиканинг кўрсаткичларини ўрганиш натижалари келтирилган. Биринчи гуруҳ болаларда дастлабки кўрсаткичларга нисбатан трахея интубациясидан кейин индукция даврида юрак индекси (ЮИ) нинг 18,47 % га ортиши кузатилди ($p < 0,05$), жарроҳликнинг энг травматик босқичларида - қон томирлар периферик қаршилиги (ҚТПҚ) 14,06 % га камайиши кузатилди. Хайдалиш фракцияси (ХФ) каби кўрсаткич пасайиш тенденциясига эга бўлди (1-расм).



Изоҳ * - дастлабки ҳолат билан солиштирилган кўрсаткичларнинг ишончилиги

1-расм. 1-гуруҳдаги болаларда марказий гемодинамика кўрсаткичларининг ўзгариши


Индукция даврида вена ичига юборилган препаратлар таъсири остида иккинчи гуруҳдаги болаларда ЮИ 15,67 % ($p < 0,05$) га ортди (2-расм).



Изоҳ * - дастлабки холат билан солиштирилган кўрсаткичларнинг ишончлилиги

2-расм. 2-гурухдаги болаларда марказий гемодинамика кўрсаткичларининг ўзгариши


Учинчи гуруҳдаги болаларда премедикациядан кейин ҚТПҚ кўрсаткичи 14,07 % га камайди. Бошқа кўрсаткичларда - ХФ, ЮИ, зарб хажми (ЗХ) да камроқ ўзгаришлар қайд этилди (3-расм).



Изоҳ *-дастлабки холат билан солиштирилган кўрсаткичларнинг ишончлилиги

3-расм. 3-гурухдаги болаларда марказий гемодинамика кўрсаткичларининг ўзгариши


Индукция даврида тўртинчи гуруҳ болаларида дастлабки маълумотлар билан таққослаганда ЮИ 36,23 % га ортган. Операциянинг энг шикастли босқичларида ЮИ 20,29 % га ортган. Шу билан бирга, ҚТПҚ кўрсаткичи 20,90 % га камайган ($p < 0,05$). Қолган кўрсаткичлар нисбатан барқарорлигича сақланиб қолганлиги маълум бўлди (4-расм).



Изоҳ *-дастлабки ҳолат билан солиштирилган кўрсаткичларнинг ишончлилиги

4-расм. 4-гуруҳдаги болаларда марказий гемодинамика кўрсаткичларининг ўзгариши

Бешинчи гуруҳ болаларида, дастлабки маълумотлар билан таққослаганда операциянинг энг травматик босқичларида ҚТПҚ кўрсаткичи 12,31 % га ортган (5-расм).




Изоҳ *- дастлабки ҳолат билан солиштирилган кўрсаткичларнинг ишончлилиги

5-расм. 5-гуруҳдаги болаларда марказий гемодинамика кўрсаткичларининг ўзгариши

Шундай қилиб, болаларда комбинирланган анестезиянинг турли хил вариантлари шароитида наркозга кириш даври марказий гемодинамиканинг асосий кўрсаткичларида баъзи ўзгаришлар билан кечди, бу наркознинг индукция даврида юрак қон-томир тизимининг ноцицептив импульсларига - трахея интубацияси ва ўтказилаётган манипуляцияларга реакцияси билан боғлиқ. Шундай қилиб, болалардаги комбинирланган анестезиянинг турли хил вариантлари шароитида анестезиологик қўлланманинг асосий босқичи марказий гемодинамиканинг асосий кўрсаткичларининг аҳамиятсиз ҳамда компенсацияланган ўзгаришлари билан кечди.

Диссертациянинг тўртинчи бобининг иккинчи қисми болалардаги ҳар-хил анестезия турлари учун кардиоинтервалография кўрсаткичларининг ўзгаришига бағишланган. Вегетатив нерв системаси (ВНС) ўзгаришларининг динамикасини кузатиш анестезиянинг етарлилигини баҳолаш учун информатив ва ишончли усулдир. Қуйидаги кўрсаткичлар аниқланди: Мода (Мо) – кардиоинтервалография текширувидаги R-R интервалнинг энг кўп учрайдиган кўрсаткичи, юрак ритмини тартибга солишнинг гуморал каналлини тавсифлайди. Моданинг амплитудаси (АМо) – ВНС нинг симпатик бўлими фаоллигини акс эттиради. Делта икс (ΔX) = $R_{max} - R - R_{min}$ ўртасидаги фарқ бўлиб, ВНС нинг парасимпатик бўлими фаоллик даражасини тавсифлайди. Зўриқиш индекси (ЗИ) $ZI = AMo / 2Mo \Delta X$ - юракнинг компенсатор механизмлари даражасини тавсифлайди.

Жаррохлик муолажасининг энг травматик босқичларида, анестезия фониди, ўрганилаётган барча гуруҳдаги беморларда зўриқиш индекси (ЗИ) нинг бир томонлама пасайиши кузатилди: 1-гуруҳдаги беморларда 10,80 %, 2-гуруҳдаги беморларда 14,22 %, 3-гуруҳдаги беморларда 9,90 %, 4-гуруҳдаги беморларда 12,78 % ва 5-гуруҳдаги беморларда 18,94 % пасайиши кузатилди (6-расм).




Изоҳ * - дастлабки ҳолат билан солиштирилган кўрсаткичларнинг ишончилиги
6-расм. Болаларда комбинацияланган анестезиянинг турли хил вариантларида ЗИ нинг (шартли бирликда) ўзгариши

Барча гуруҳларда анестезиянинг асосий босқичларида Мо, АМо ва ΔХ кўрсаткичлардаги ўзгаришлар юрак уриш тезлигини тартибга солиш механизми барқарорлигидан, ҳамда ВНСнинг симпатик бўлими фаоллиги ортганлигидан ва парасимпатик бўлими фаоллиги пасайганлигидан далолат берди. Иккинчи, тўртинчи ва бешинчи гуруҳларда анестезиянинг асосий босқичларида ЗИ кўрсаткичининг сезиларли пасайиши операцион стресс шароитида бола организми мослашиш тизимлари таранглигининг пасайишини кўрсатди ва кузатилган гемодинамик ўзгаришлар асосан нейровегетатив характерга эга эканлигини билдирди.

Диссертациянинг бешинчи бобида **Болалардаги умумий анестезиянинг турли хил вариантларида гормонал-метаболик ўзгаришлар** деб номланган. Текширувлар натижасида операциянинг энг шикастли босқичларида кортизол концентрациясининг бир оз (ишончсиз) ортиши кузатилди: дастлабки қийматларга нисбатан биринчи гуруҳдаги беморларда 1,72% га, иккинчи гуруҳдаги беморларда 13,24 % га, учинчи гуруҳдаги беморларда 3,13 % га, тўртинчи гуруҳдаги беморларда 2,35 % га ва бешинчи гуруҳдаги беморларда 3,62 % га ортиши кузатилди, олинган кўрсаткичлар меъёрдаги юқори чегарасидан ошмади. Кортизол концентрациясининг ортиши операцион стресс шароитида ўз навбатида буйрак усти безларининг глюкокортикоид функциясининг ўртача фаоллашуви сақланиб қолишидан далолат беради.

Операциядан олдинги ва кейинги даврларда қон плазмасидаги глюкоза концентрацияси аниқланди (7-расм).



7-расм. Болаларда комбинирланган анестезиянинг турли вариантларида глюкоза (ммол/л) концентрациясининг ўзгариши

Жарроҳлик муолажасидан кейин қонда глюкоза концентрациясининг пасайиши тенденцияси кузатилди: 1-гуруҳдаги беморларда 1,49 % га, 2-

гуруҳдаги беморларда 2,53 % га, 3-гуруҳдаги беморларда 4,43% га, 4-гуруҳдаги беморларда 0,71 % га, 5-гуруҳдаги беморларда 1,43 % га.

Шундай қилиб, болаларда умумий анестезиянинг турли хил вариантларининг асосий босқичларида қондаги стресс гормон – кортизолнинг ортиши ва глюкоза концентрациясининг пасайиши тенденцияси меъёрдаги кўрсаткичлар билан чегараланган, бу ўз навбатида анестезиологик қўлланмаларнинг бола организмнинг операцион жароҳатдан сезиларли гормонал ва метаболит ўзгаришларсиз химоялай олишидан далолат беради.

Диссертациянинг «Болалардаги комбинирланган умумий анестезиянинг турли хил вариантларини ўтказиш вақтида липид пероксидланиш кўрсаткичларининг ўзгариши» деб номланган олтинчи бобида, умумий анестезия компонентлари комбинациясини хирургик патологияси бўлган болалар жароҳлик амалиёти вақтида қон липидпероксидацияси антиоксидант химоя (ЛПО-АОХ) тизимининг мувозанатига таъсир моҳиятини очиқ берадиган натижалар келтирилган.

Тадқиқот давомида, ўрганилаётган беморларнинг барча гуруҳларида малон диальдегиди (МДА) таркибининг ўсиши тенденцияси кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал

Комбинирланган анестезиянинг турли хил вариантларида МДА ва каталаза таркибининг ўзгариши


Анестезиологик қўлланма вариантлари	МДА (нмоль/мг/оқсил*мин)		Каталаза (мкмол Н ₂ О ₂ /мг оқсил)	
	операциядан олдин	операциядан кейин	операциядан олдин	операциядан кейин
1 гуруҳ	2,72±0,13	2,99±0,15	0,59±0,02	0,56±0,02
2 гуруҳ	2,36±0,07	2,48±0,07	0,63±0,02	0,58±0,01*
3 гуруҳ	2,33±0,06	2,44±0,07	0,58±0,02	0,54±0,01
4 гуруҳ	2,61±0,09	2,69±0,14	0,64±0,02	0,57±0,02*
5 гуруҳ	2,58±0,1	2,77±0,13	0,62±0,02	0,59±0,01

Изоҳ * - дастлабки ҳолат билан солиштирилган кўрсаткичларнинг ишончлилиги

Шундай қилиб, анестетик химоя остида операцион стресс пайтида МДА концентрациясининг ўртача ўсиши қон плазмасининг, шунингдек мембрана липидларининг компенсатор қобилиятларини вақтинча сақланишини кўрсатди ва ЛПО тизимидаги жараёнларнинг барқарорлашуви билан бирга кечишидан далолат берди. Каталазани ўрганишда фақат иккинчи гуруҳда 7,94 % га ва тўртинчи гуруҳда 10,94% га сезиларли пасайиши қайд этилди. ЛПО-АОХ тизимидаги ўзгаришларнинг аниқланган динамикаси организмнинг адаптив-компенсатор реакцияларидаги жароҳлик стресс, анестезия компонентлари ва тўқималарни қайта оксигенациялаш каби

омиллар таъсирида силжишини акс эттирди. АОХ тизимини ўрганиш натижасида каталаза фаоллигининг пасайганлиги аниқланди.


Диссертациянинг «**Болалардаги умумий анестезия турли хил вариантларининг самарадорлигини қиёсий баҳолаш**» деб номланган еттинчи боби тизимли қон айланиш кўрсаткичларини таққослаш учун ўртача қон босими таҳлил қилинди. Премедикациядан кейин ЎрҚБ кўрсаткичи беморларнинг биринчи, иккинчи ва тўртинчи гуруҳларида пасайиш тенденциясига эга бўлди, учинчи ва бешинчи гуруҳдаги беморлар бундан мустасно. Анестезиянинг кириш даврида ЎрҚБ кўрсаткичининг 8,76% га ортиши кузатилди. Қолган гуруҳларда фақат бир оз ўзгариш тенденцияси қайд этилди. Анестезияни сақлаш даврида, ўрганилган беморларнинг бешинчи ва дастлабки уч гуруҳида ЎрҚБ кўрсаткичининг ортиши тенденцияси кузатилди. Беморларнинг тўртинчи гуруҳида ЎрҚБ кўрсаткичининг меъёрига қайтиши кузатилди. Беморларнинг биринчи гуруҳида индукция босқичида ЎрҚБнинг максимал ортиши 8,76% га, иккинчи гуруҳда операция босқичларида 6,94% га ўзгариши аниқланди, максимал кўтарилиш 1-гуруҳда 1,8% га тенг бўлди. Биринчи гуруҳда ЎрҚБ нинг максимал пасайиши 6,58% ни ташкил этган бўлса, иккинчи гуруҳда максимал ортиши 0,62% га тенг бўлди. Учинчи гуруҳдаги ЎрҚБ, анестезиянинг индукция даврида максимал кўтарилиши 8,9% га кузатилди, 3-гуруҳдаги артериал гипотензия эпизодларининг максимал пасайиши кузатилмади. Тўртинчи гуруҳда индукция босқичида максимал ортиши 5,18% га қайд этилди. Беморларнинг бешинчи гуруҳида тизимли ЎрҚБнинг энг барқарор кўрсаткичлари кузатилди, улар индукция даврида ЎрҚБнинг максимал кўтарилиши 2,63% га, сўнгра дастлабки даражадаги каби стабиллашди, пасайиш эпизодлари деярли кузатилмади. Шундай қилиб, 5-гуруҳда тизимли айланиш параметрларининг энг катта барқарорлиги қайд этилди (8 ва 9-расмлар).



8-расм. Болаларда комбинирланган анестезиянинг турларида ЎрҚБ нинг (% ларда) қиёсий таҳлили

Биринчи гуруҳдаги юрак уриши тезлиги (ЮУТ) анестезияга кириш даврида максимал 27,26% кўтарилишини кўрсатди. Уйғониш даврида ЮУТ нинг дастлабки ҳолатдагидан 16,77% юқорида эканлиги аниқланди. Иккинчи гуруҳда индукция даврида ЮУТ нинг максимал даражада, деярли 25% га ортиши кузатилди ва уйғониш даврида ўзининг дастлабки қийматларидан 16,84% га ошиб кетди. Учинчи гуруҳда, ЮУТ нинг максимал кўтарилиши индукция даврида 29,45% ни ташкил этган бўлса, уйғониш даврида унинг дастлабки қийматларидан 23,6% юқори бўлиб қолди. Тўртинчи гуруҳда ЮУТ нинг максимал кўтарилиши индукция даврида 26,68% га ва уйғониш даврида унинг шу каби бошланғич кўрсаткичига қараганда 17,3% га кўп бўлиб қолди.

Бешинчи гуруҳда ЮУТ нинг максимал ортиши премедикациядан сўнг 12,12% ни ташкил этиб, бу кўрсаткичнинг уйғониш давридаги бошланғич қийматларига нисбатан камайиши кузатилди.



9-расм. Болаларда комбинирланган анестезия турларида ЎрҚБ нинг (%ларда) қиёсий таҳлили


Наркозга кириш даврида кислород билан тўйинганлик кўрсаткичининг ошиши билан параллел равишда $FetCO_2$ капнометрия кўрсаткичи барча гуруҳ беморларида сезиларли даражада пасайди: биринчи гуруҳда 5,85%, иккинчи гуруҳда 6,12%, учинчи гуруҳда 4,41%. тўртинчи гуруҳда 5,28% ва бешинчи гуруҳда 3,22% га дастлабки қийматларига нисбатан пасайиш тенденцияси кузатилди.

ЭЭГ текширувининг қиёсий баҳолаганда, беморларнинг барча гуруҳларида премедикация фонида алфа тўлқинлари амплитудаси 50 мВгача, бета тўлқинлари 20 мВгача, тета тўлқинлари 15 мВ га қадар қайд этилган. Тўлқинлар икки томонлама синхрон, ритмик эди. Анестезиянинг кириш даврида иккинчи гуруҳ беморларида тета тўлқинлари устунлик қилди.

Иккинчи гуруҳдаги беморларда паст частотали тета диапазонининг даврий кўриниши негизида альфа тўлқинларининг фаоллашуви кузатилди. Учинчи гуруҳ беморларида доминант урчуксимон шаклдаги алфа ва тарқоқ тета тўлқинлар қайд этилли. Тўртинчи гуруҳдаги беморларда асосан урчуксимон шаклдаги алфа тўлқинлар ва ўрта амплитудали тета тўлқинлар қайд этилди. Бешинчи гуруҳдаги беморларда ўртача амплитудали гиперсинхронлашган алфа тўлқинлар қайд этилди. Уйғониш даврида беморларнинг биринчи ва тўртинчи гуруҳида мия биоактивлигининг дастлабки ҳолатига эрта қайтиши кузатилди. Беморларнинг бошқа гуруҳларида тўлқинларнинг дастлабки ҳолатига қайтиши кечроқ кузатилди.

Биспектрал индекс (БСИ) қийматини ўрганилганида қуйидаги ўзгаришлар қайд этилди: анестезиянинг асосий босқичида БСИ 46 - 51 оралиғига тўғри келди, бу кўрсаткич анестезия чуқурлигининг максимал даражада оғриқдан ҳимоя қила олишини исботлади. Уйғониш даврида, премедикация босқичи билан таққослаганда, иккинчи гуруҳдаги болаларда БСИ нинг пасайиши кузатилди, биринчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи гуруҳдаги болаларда худди шу кўрсаткичнинг дастлабки давридагига нисбатан пасайиш тенденцияси кузатилди. Анестезиянинг асосий босқичида БСИ нинг энг паст кўрсаткичи учинчи гуруҳдаги беморларда аниқланди (46,75), бу кўрсаткич чуқур уйқу ҳолатидан далолат берди. БСИ нинг юқори даражада бўлиши (50,63) биринчи гуруҳдаги беморларда қайд этилди ва наркотик уйқу чуқурлигининг юзаки даражасида эканлигини билдирди.

Марказий гемодинамиканинг кўрсаткичларини ўрганишда энг асосий кўрсаткич хайдалиш фракцияси ҳисобланади (10-расм).



10-расм. ХФ нинг (%) анестезия турли вариантларида ўзгаришининг қиёсий таҳлили

Анестезиянинг кириш даврида трахея интубациясидан сўнг ХФ кўрсаткичининг биринчи гуруҳда 5,59% га, иккинчи гуруҳда 4,23% га, тўртинчи гуруҳда 5,06% га ва бешинчи гуруҳда 9,22% га пасайиши кузатилди.

Анестезияни ушлаб туриш даврида операциянинг энг травматик босқичида беморларнинг бешинчи гуруҳида ХФ нинг 4,99% га пасайиши кузатилди. Қолган беморлар гуруҳида ушбу кўрсаткичнинг пасайиши тенденцияси кузатилди: беморларнинг биринчи ва тўртинчи гуруҳларида мос равишда 2,96% ва 3,88% га. Беморларнинг ўрганилган гуруҳларида анестезиянинг уйғониш даврида ХФ нинг статистик аҳамиятга эга бўлмаган ўзгариши аниқланди.

Операциянинг травматик босқичида ва уйғониш даврида ЮИ кўрсаткичи фақат тўртинчи гуруҳ беморларида сезиларли даражада ортди. Кейинроқ, ЮИ кўрсаткичи беморларнинг барча ўрганилган гуруҳларида барқарорлашди, бу нормодинамик қон айланиши сақланишидан далолат берди.

Вегетатив мувозанат фаолиятини ўрганиш ВНС симпатик ва парасимпатик бўлимлари фаолияти ўртасидаги мувозанатли муносабатларга турли анестетикларнинг фармакологик таъсири билан тавсифланади. Премедикациядан сўнг Мо кўрсаткичи барча гуруҳларда аҳамиятсиз ўзгариб, юрак ритми бошқаришининг гуморал каналининг барқарорлигини тавсифлади. Анестезиянинг кириш даври давомида учинчи гуруҳдаги беморларда юракнинг гуморал регуляциясида сезиларли ўзгариш кузатилди, бу Мо кўрсаткичининг пасайиши билан тавсифланди. Анестезиянинг асосий даврида барча гуруҳларда юракнинг гуморал регуляциясининг ортиши кузатилди. Уйғониш даврида барча ўрганилган гуруҳларда Мо кўрсаткичининг пасайиши тенденцияси кузатилган бўйса, учинчи гуруҳда бу ўзгариш сезиларли бўлди.

Премедикация негизида биринчи ва тўртинчи гуруҳ беморларида симпатик регуляциянинг таъсири кучайиши кузатилди. Анестезиянинг асосий босқичларида барча гуруҳларда АМо кўрсаткичи аҳамиятсиз ўзгариб, вегетатив асаб тизимининг симпатик бўлими фаолияти ҳолатининг барқарорлигини тавсифлади. Операция охирида учинчи гуруҳдаги беморлардан ташқари, тартибга солувчи тизимларнинг аниқ номуносивблиги бўлмади.


Операциянинг энг травматик дақиқаларида бешинчи гуруҳда симпатик нерв системаси фаоллиги сезиларли ортди, бошқа гуруҳдаги беморларда ҳам ушбу ўсиш тенденцияси кузатилди. Фақат учинчи гуруҳдаги беморларда парасимпатик нерв системаси фаоллиги пасайиши тенденцияси кузатилди.

Анестезиянинг асосий босқичларида барча гуруҳларда ЗИ нинг сезиларли пасайиши қайд этилди, фақат бешинчи гуруҳ бундан мустасно, бу ҳолат тартибга солувчи тизимлар зўриқишининг пасайиши ва юрак ритми марказий занжирининг етарли даражада ишлашидан далолат беради.

